

Бақара сураси, 240-оят

09:30 / 21.03.2018 3300

Сизлардан вафот этиб, жуфтларини қолдирганлар аёлларининг бир йилгача чиқарилмасдан, баҳраманд бўлишини васият қилсинлар. Агар улар чиқсалар, ўз хусусларида қилган маъруф ишларида сизга гуноҳ йўқ. Аллоҳ ўта иззатлидир, ўта ҳикматлидир. Бақара 240.

Вафот этган одам васият қилган бўлса, у аёл бир йилгача эрининг уйида унинг молидан сарфлаб яшаса бўлади.

«Сизлардан вафот этиб, жуфтларини қолдирганлар аёлларининг бир йилгача чиқарилмасдан, баҳраманд бўлишини васият қилсинлар».

Албатта, бундан ҳар бир мусулмон эр ўз ўлими олдидан қариндошларига хотинини бир йил ичида моддий жиҳатдан таъминлаб туришларини васият қилиши фарз ёки вожиб, деган маъно чиқмайди. Балки бу маъно ўзаро марҳамат ва эҳтиром маъносида айтилгандир. Агар аёл киши ўзи хоҳласа, бир йил давомида эрига ва у билан бирга кечирган ҳаётига садоқат рамзи сифатида эрга тегмай ва уйдан чиқмай яшаши мумкин. Ана шундай ҳолатда эрнинг қариндошлари уни таъминлаб туришлари тавсия қилинади.

«Агар улар чиқсалар, ўз хусусларида қилган маъруф ишларида сизга гуноҳ йўқ».

Яъни эри ўлганидан сўнг бир йилгача уйдан чиқмай ўтиришни ният қилган аёллар бирор сабабга кўра бир йил тўлмасдан аввал чиқсалар ва идда муддатлари тугаб, ўз хусусларида яхшилик билан, шариат қонунлари асосида иш қилиб кетсалар, сизга гуноҳ йўқ.

«Аллоҳ ўта иззатлидир, ўта ҳикматлидир».

Унутманг, Аллоҳ азиздир, яъни ҳеч ким Унинг иродасига ғов бўла олмайдиган ғолиб Зотдир. Унинг амрига хилоф қилсангиз, иқобидан қочиб қутула олмайсиз. Аллоҳ ҳаким Зотдир, ҳар бир ҳукми ҳикмат билан жорий қилади. Унинг ҳукмларига сўзсиз амал қилаверган одам ютади.

Аввал ўтган ояти карималарда духулдан олдин талоқ қилинган аёлларга мутъа – моддий фойда бериш ҳақида гапирилган эди. Келаси ояти

каримада эса духулдан – эр-хотин бўлиб яшагандан кейинги талоқда ҳам,
умуман, ҳар бир талоқда аёлга мутъа бериш яхши иш экани таъкидланади.